



1880 йил январида тегинларга карши харбий экспедиция кўмондони этиб генерал-лейтенант Скобелев тайинланди. Скобелев тузган режа тасдикланди ва намунавий деб тан олиниши лозим эди. Унинг максади Ахал-Тегин воҳасида истикомат килувчи тегин Туркманларига хал килувчи зарба бериш эди. Ўз навбатида, кампания хакида билиб олгач, тегинлар Денгил-Тепа (Гўк-Тепа) калъасига кўчиб ўтишга қарор қилишди ва ўзларини факат шу нуктани химоя қилишни чеклашди.

Денгил-Тепа калъасида 45 минг киши, шундан, 20-25 минг қуролли химоячи, жумладан, 7-10 минг отлик аскар бўлган. Калъа химоячиларининг қуроллари энг ибтидоий, асосан совуқ қуроллар эди. "Тезотар қуроллар билан қуролланган замонавий турдаги армияга қарши, - деб ёзади А. Н. Куропаткин, - ҳар бир эркак жангчи ҳисобланган, лекин қилични ўзининг асосий қуроли деб, қўл жангини асосий жанг тури деб ҳисоблаган аҳоли қурашди". Гўк-Тепа химоячиларида факат 4-5 мингта милтик бор эди, шу жумладан, 1879 йилдаги биринчи экспедиция давомида қўлга киритилган 600 рус «берданка»си.

Тегинлар асосан тунда чикиб, русларга катта зарар етказган, хатто бир марта байрок ва иккита тўпни қўлга киритган.

Скобелев ўзи кўккисдан чикиш килиб, ҳамма ёкка бориб, ҳамма кудукларни, йўлларни текшириб, кейин кўшниларига қайтди. Кейин хужум бошланди. Калъага штурм 1881 йил 12 январь куни бошланган. Соат 11 дан 20 дакик ўтганда биринчи мина портлади. 70 пуд порохнинг кучли портлаши Шаркий деворнинг катта кисмини кўкка кўтарди ва Гўк-Тепа химоячиларини хайратга солди. Полковник Куропаткиннинг колоннаси хужумга кўтарилганда портлашдан чиккан чанг хали ерга кўнмаганди. Подполковник Гайдаров Гарбий деворни қўлга олишга муваффақ бўлди. Кўшинлар эса умидсиз қаршилиқ кўрсатган душманни босдилар. Хужум деярли бутун кун давом этди, калъа химоячиларининг жасорати "галаба умиди йўқолгани учун ҳамма хурматга лойик эди". Подшо кўшинларига буйруқ берилди: "ҳеч қандай асир керак эмас". Шунинг учун улар қўлга олинган одамларни ажратиб олишди, олдинга олиб чиқишди ва уларга бараварига ўк отиб ўлдиришди. Ўзок давом етган жангдан сўнг тегинлар, калъада қолган ва жанг килиб ҳалок бўлганлар бундан мустасно, шимолий йўлаклар орқали қочишга тушди. Калъа қулаганидан сўнг Скобелев отликларни шахсан калъага олиб кириб, ундан ўтиб, чекинаётган химоячиларни қоронгу тушгунча 15 қақиримгача қувиб борди. Пиёдалар уларнинг ортидан эргашиб 10 қақирим юришди. Кўшинлар қочаётганларни, асосан тинч аҳолини ҳеч қандай раҳм-шафқатсизларча отиб, қопиб ташлашди. Таъқиб давом этаркан, калъанинг ўзида "тозалаш ишлари амалга оширилди: хужраларга яшириниб олган тегинлар топилиб, охиригисигача кириб ташланди". Қўпчилик аёллар раҳм-шафқат сўраб, ўтовлар оралаб у ёқдан бу ёкка югурарди.

Хужум куни калъа химоячиларининг йўқотишлари ҳақидаги маълумотлар турлича. Аммо аксарият муаллифлар бу кўрсаткични 8 минг киши деб аташади. Хужум билан қамал давомида русларнинг йўқотишлари 1104 кишини ташкил этди, хужум пайтида 398 киши йўқолган эди (шу жумладан 34 офицер). Калъа ичкарасида 5 минггача аёл ва бола, 500 форс қулла ва 6 млн рублга баҳоланган ўлжа қўлга киритилди. Гўк-Тепа қулаганидан бир кун ўтиб Скобелев қўлга олинган шаҳарни талон-тарож қилиш учун тўрт кун давом этадиган қаранга эълон қилди. Қилам, қумуш, қурол-яроғ ва бошқа талон-тарож қилинган буюмлар арзимаган қулга сотилди. Аскарлардан ташқари форслар ҳам талончилик билан шугулланганлар. Қурдлар айниқса шафқатсиз эди.

Гўк-Тепа қўлга олинганидан кейин, тез орада Скобелев полковник Куропаткин амри остида отрядларни юборди; улардан бири Ашқободни ишғол қилди, бошқаси эса шимолга 100 қақирим қўпроқ юриб, аҳолини қуролсизлантириб, воҳаларга қайтарлиб ва ўлкани тез тинчлантириш учун ҳаракат қилди. 14 январь куни Скобелев инфантерия генерали даражасига кўтарилди, 19 январда эса 2-даражали Авлиё Георгий ордени билан тақдирланди. Бироқ, у тез орада, эҳтимол, қуқаро аҳоли орасида катта қурбонлар ва шафқатсизлик туқайли қўмондонликдан четлатилди. Гўк-Тепани қамал қилиш чоғида Скобелев агар унга буйруқ берилса, "қудди қозир тегинларни отиб ташлаганидек, Рязан деҳқонларини ҳам қотиржам отиб ташлаши"ни айтганди. Қатто ўлим олдидаги талваса пайти ҳам, руқонийнинг Гўк-Тепада беғуноҳ 8000 одамни кириб ташлагани учун виждон азоби ҳис қилиши ҳақидаги саволига Скобелев: "80 минг кишини кириб ташламаганимга қушаймонман" деб қавоб берган.

Турқманистонда Гўк-Тепа жангининг сўнғи куни бўлган 12 январь санаси миллий байрам бўлиб, қотира ва қотам куни сифатида эъзозланади.

1881 йил 6 май куни қилоят Россия империясининг Зақаспий қилояти тарқибига

киритилди. 1883 йилда генерал Комаров қўмондонлигидаги кўшинлар Тежен воҳасини эгаллаб, 1884 йилда майор Алихонов Мервни хийла билан консиз эгаллади.

Абу Муслим таржимаси